



БОЛАЛАРДА ТУГМА ЮРАК НУКСОН САБАБАЛАРИ

Отабек Абдурашидович Нурматов, Умар Умедович Супханов
Самарканд Давлат тиббиёт университети даволаш факультети талабаси.

Тугма юрак нуқсонлари бу – юрак ва йирик қон томирлари нуқсон касаллиги бўлиб, қон оқими ўзгаришлари, юрак етишмовчилигига олиб келади. Тугма юрак нуқсонларининг учраш эҳтимоли туғиладиган барча чақалоқларнинг 0,8 дан 1,2 % ини ташкил қилади. Тугма юрак нуқсонлари барча туғма нуқсонларнинг 10-30 % ини ташкил этади. Кардиологияда кўплаб учровчи юрак нуқсонларига қоринчалараро тўсиқ етишмовчилиги (20%), бўлмачалараро тўсиқ етишмовчилиги, аорта стенози, аорта коарктацияси, Баталов йўли етишмовчилиги, йирик қон томирлар транпозицияси, ўпка артериясининг стенози (10-15 %) кабилар киради.

Мақсад. Тугма юрак нуқсонлари билан тугилишга олиб келувчи сабабларни аниқлаш ва урганиш.

Текшириш усуллари. Вилоят болалар қўп тармоқли тиббий марказнинг неонатология ва кардиология бўлимларида даволанаётган 67 та янги тугилган чақалоқлардан 6 ойликгача булган болаларда тугма юрак нуқсонлари сабабларини аниқлаш мақсадида, шикоятлар, анамнез йиғиш ва текшириш жараёнида клиник белгиларини урганиш.

Олинган натижа. Вилоят болалар қўп тармоқли тиббий марказнинг неонатология ва кардиология бўлимларида даволанаётган 67 та бемор болаларни оналаридан сураб-суриштириш натижасида, олинган маълумотлар 80% дан юқори ҳолатларда хомиладорликнинг биринчи 3 ойида, яъни эмбрионал даврда онадаги учрайдиган бир қанча сабаблар олиб келган. Яйнан биринчи навбатда оналарда учрайдиган цитомегаловирус касаллиги 61% да, инфекция қасалликлар (грипп, парагрипп, кизилча) 26% да, COVID-19 билан касалланган оналардан тугилган болаларда 36% да, дори-дармонларни қабул қилиш 12% да, атроф-муҳит экологияси, ҳамда овқатланиш рационининг бузилганлиги 8% да ва оналарда учрайдиган тугма ва орттирилган сурункали касалликлари оқибатида тугилган болалар уртасида 22% да юрак тугма нуқсонлари билан тугилган болалар аниқланди. Хомиладорликнинг биринчи 3-ойида дори-дармон қабул қилган оналар орасида қўпроқ ностероид ялликланишга қарши препаратлар истемоли юқори бўлиб, бу нарса кейинчалик болаларда юракдаги мураккаб комбинациялашган нуқсонларга олиб келган. Янги оила ташкил этилгандан сўнг оилавий муҳит ўзгариши туфайли 70% ёш оналарда тез-тез асаб рухий ҳолатининг ўзгариши, яъни стресс ва депрессив ҳолатга ўтиши қўзғатилган, бу ўз навбатда она қорнида ривожланаётган хомиллага ўзининг зарарли тарафини қўрсатган. Кеч оила қўришдан кейин тугилган болалар орасида ҳам, яъни фертил ёшдан ўтиб тугган оналарда ҳам 36% ҳолатларда болаларда тугма юрак нуқсони билан тугилиш аниқланди.

Хулоса. Олинган натижалар шуни қўрсатдики тугма юрак нуқсонлари билан тугилишга олиб келувчи сабаблар хилма-хил бўлиб, улар орасида TORCH ва инфекция қасалликлар қўп учраганлиги аниқланди. Ундан ташқари оналарни билиб-билмай дори воситаларини қабул қилиш, ёш оилада муҳитнинг оқибатида учраган



стресс ҳолатлар ҳам бу касалликни сабабчиси булганлиги аниқланди. Келгусида хомиладор оналар уртасида ушбу ҳолатларни олдини олиш буйича тарғибот ишларини олиб бориш муҳимлиги касалликнинг камайишига уз таъсирини курсатади.